

ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ АСОСЛАРИ

Махфузахон Абдуманноб қизи Жалолдинова

Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

m.jaloldinova1995@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ислом ҳуқуқида ижтимоий ҳимоя тушунчаси таърифи, пайдо бўлиши, унинг фикҳий асослари ва қонунчилигимизда акс этиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Ижтимоий ҳимоя ичига кирувчи закот, нафақа, садақа каби тушунчалар ҳақида баён этилган. Ислам ҳуқуқида ижтимоий ҳимоя тушунчаси манбалар асосида таҳлил қилиниб, унинг аҳамияти очиқ берилган.

Калит сўзлар: Қуръон, суннат, ислом ҳуқуқи, фикҳ, ижтимоий ҳимоя ва таъминот, закот, нафақа, садақа, оят, ҳадис, қонун ҳужжатлари.

FUNDAMENTALS OF SOCIAL PROTECTION IN ISLAMIC LAW

Makhfuzahon Abdumannob kizi Jaloldinova

Basic doctoral student of the International Islamic Academy of Uzbekistan

m.jaloldinova1995@gmail.com

ABSTRACT

This article provides information on the definition of the concept of social protection in Islamic law, its emergence, its jurisprudential foundations and its reflection in our legislation. Concepts such as zakat, alimony, alms, which are included in social protection, are described. The concept of social protection in Islamic law has been analyzed on the basis of sources and its importance has been revealed.

Keywords: Qur'an, Sunnah, Islamic law, jurisprudence, social protection and welfare, zakat, alimony, alms, verse, hadith, legislation.

КИРИШ

Жамиятнинг шундай бир қатлами борки, уларга ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан кўпроқ эътибор бериш зарур ҳисобланади. Бугунги кунда ёрдамга муҳтож инсонларга кўмак бериш илмий тилда “ижтимоий ҳимоя” деб аталади.

Ижтимоий ҳимоя аҳолини ижтимоий ва моддий-маънавий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуидир. Унинг асосий мақсади аҳоли фаровонлигини таъминлаш, аҳоли қатламларининг таълим, маданият, касб малакаси, даромадлари жиҳатидан кескин тафовутларига барҳам бериш, жамият томонидан инсонга муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга ёрдам беришдан иборат.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ислом ҳуқуқида ижтимоий ҳимоя мавзуси энг асосий жиҳатлардан бири ҳисобланади. Бу мусулмонларнинг ҳаётини янада яхшилаш ва ўзаро муносабатларни гўзаллаштиришга ҳизмат қилади. Айнан ижтимоий ҳимоя номида келмасада, унинг ичига кирадиган масалалар алоҳида ёки бирга умумий қилиб ўрганилган. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва турмуш даражасини оширишнинг назарий жиҳатлари хорижий олимлардан А.Смит, Ж.Кейнс, В.Стаффорд, Ж. Лоу, Г.Скаруффин, У.Петти, Д.Рикардо, А.Мишель, Ж.Роулс, В.Репке, Фон Дер Лепп ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган.

Ижтимоий ҳимоя мавзуси халқаро миқёсда кенг ўрганилган ва бу ҳозир ҳам давом этмоқда. Улардан бири турк олимларидан бири А.Эрол бу бўйича кенг илмий тадқиқот ишлари олиб борган ва айти шу мавзуда докторлик ишини ёқлаган. "Ислом қонунчилигида ижтимоий ҳимоя" номли мухтасар китоб ёзган. Шунингдек, Н.Ҳасан бу мавзунини қисми бўйича илмий иш қилган.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояни таркибига кирувчи мавзуларда хусусан, инсон ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ва ўз ичига олувчи тушунчалар: закот, нафақа, садақа, силайи раҳм, мерос каби масалаларда А.Саидов, Ж.Тошқулов, Н.Юсупова, И.Бекмирзаев, О.Сарсенбаев, А.Тўйчибоев, М.Атоев каби олимлар кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган.

Кўплаб олимларнинг фикрича, кенг умумсоциологик маънодаги ижтимоий ҳимоя концепцияси биринчи бор 1935 йилда АҚШнинг "Ижтимоий хавфсизлик бўйича қонун"ида қўлланилган. Ушбу қонунда қариялар ва меҳнатга лаёқатсиз аҳоли қатламига ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ҳақида таклифлар келтирилган. Аммо аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тушунчаси унда тўлалигича ёритилмаган ва ушбу муаммони ҳал этувчи тавсиялар ҳали ишлаб чиқилмаган эди. Шунинг ҳам айтиш керакки, баъзи адабиётларда "ижтимоий ҳимоялаш" ибораси, биринчи марта,

Россиялик олим П.И.Новгородцевнинг асарларида қўлланилган, ҳамда ушбу тушунчага тегишли бўлган муаммолар ечими ишлаб чиқилган [1].

Ижтимоий муҳофаза- бу корхоналарда, минтақаларда ва давлатда қонунлар ва меҳнат битимлари билан белгилаб қўйилган ҳолларда ҳамда шартлар асосида мхсус механизмлар, фондлар, шу жумладан суғурта фондлари, ижтимоий муҳофазалаш институтлари ташкил этиш ёрдамида ходимлар соғлигини сақлаш, меҳнат қобилиятини, моддий аҳволини муҳофаза қилиш мақсадида уларни меҳнат билан ўтадиган ҳаётини сифатини ёмонлаштирадиган ноқулай омиллардан (ижтимоий ва касбий хатардан) муҳофазалаш юзасидан кўриладиган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, тиббий ва техникавий чора-тадбирлар тизимидир [2].

Ижтимоий ҳимоянинг асосий вазифаси ижтимоий қийин аҳволда қолган аҳоли қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ёки кутилаётган моддий қийинчиликлар ҳақида огоҳлантиришдан иборатдир. Бозор иқтисодиётининг хусусияти шундан иборатки, шахснинг иқтисодий ҳаётда қай тарзда иштирок этиши ҳақида ўзи мустақил қарор қабул қилади. Хар бир шахс, аввалом бор, суғурталаш масаласи бўйича ўзи жавоб беради. Агар бу шахс ижтимоий суғурталанмаган бўлса, даромади вақтинчалик кам бўлган тақдирда давлат уни ижтимоий ёрдам орқали ҳимоя қилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ижтимоий ҳимоя давлатнинг инсон ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий кафолатлар йиғиндисини ташкил этади [3].

Ижтимоий ҳимоянинг асосий вазифаси ижтимоий қийин аҳволда қолган аҳоли қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ёки кутилаётган моддий қийинчиликлар ҳақида огоҳлантиришдан иборатдир. Бозор иқтисодиётининг хусусияти шундан иборатки, шахснинг иқтисодий ҳаётда қай тарзда иштирок этиши ҳақида ўзи мустақил қарор қабул қилади. Хар бир шахс, аввалом бор, суғурталаш масаласи бўйича ўзи жавоб беради. Агар бу шахс ижтимоий суғурталанмаган бўлса, даромади вақтинчалик кам бўлган тақдирда давлат уни ижтимоий ёрдам орқали ҳимоя қилади [4].

Халқимиз минг йилликлар давомида ижтимоий соҳа борасида ислом дини таълимотлари асосида диний ва миллий кадриятларига таянган ҳолда катта тажриба тўплаган. Ушбу буюк меъросни изчил ўрганиб бориб, барча халқларда

умуминсоний кадриятлар мавжудлигини, шу жумладан ижтимоий муносабатларнинг ҳозирги даврда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш номини олган жабҳасида ҳам мавжуд бўлган муайян маълумотларни жамлаб ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, ижтимоий ҳимоя масалаларига давлатимизнинг устувор вазифалари ичида алоҳида аҳамият берилади. Бу аввало бош қомусимизда, турли қонун ҳужжатлари, қарор, фармонлар ва давлат дастурларида ўз аксини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси IX бобида фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари келтирилган. Хусусан, 39-моддасида ижтимоий таъминот ҳақида “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга” деб қайд қилинган [5]. Ушбу конституциявий ҳуқуқ фуқароларимизнинг энг муҳим ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларидан бири сифатида қонуний асосда ҳар томонлама кафолатлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида ҳам ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган [6].

Ислом динининг буюклиги, қонунларининг улуғворлиги, унинг иқтисодий тизимининг инсон эҳтиёжлари ва жамият манфаатлари ҳақида ғамхўрлик қилиши шариатда белгиланган ҳамда мақсади шахс ва жамият манфаатларини таъминлашдан иборат бўлган бойликларни тақсимлашни эътироф этишда айниқса ёрқин намоён бўлади [7].

Тарихдан маълумки, ислом дини ўзининг даслабки давриданок бу масалага катта эътибор қаратган. Закот, хароҷ (хирож), ушр каби солиқларнинг жорий этилиши ва уларнинг тақсимланадиган ўринларини ўрганган киши буни яхши англайди. Ҳатто Исломнинг беш арқонидан бири закот бўлиб, у камбағал, бева-бечораларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилади ва улуғ ибодат саналади.

Ижтимоий ҳимоянинг яна бошқа тамойиллари: силайи раҳм, садақа, закот, нафақа, ўзаро меҳр-шафқат кўрсатиш каби халқимизнинг ҳам қон-қонига сингиб кетган ислом кадриятлари борки, уларни янада чуқурроқ ўрганиш ва ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Юқорида айтилганидек, ижтимоий ҳимоянинг ёрқин бир мисоли ислом динининг асосларидан бири ҳисобланган закотда намоён бўлади. Аллоҳ таоло

закот олишга ҳақли бўлган кишиларни Қуръони каримда бирма-бир баён қилган: **“Албатта, садақаларни фақат фақирлар, мискинлар, унда (садақа ишида)ишловчилар, диллари ошна қилинувчи (кофир)лар, (пул тўлаб озод этилувчи) куллар, қарздорларга ва Аллоҳ йўлида ҳамда йўловчига (мусофирга бериш) Аллоҳ (томони)дан фарз (этилди). Аллоҳ илмли ва ҳикматли зотдир”.** (Тавба сураси, 60-оят) [8]. Аллоҳ бой одамларга камбағаллар фойдасига беришни буюрган закот аниқ белгиланган мажбурият бўлиб, унинг бажарилишини давлат назорат қилиб туради, сўнгра уни мухтожлар ўртасида тақсимлайди, шунингдек, ушбу қарзни тўлашдан бўйин товлаётган кишиларни закот тўлашга мажбур қилади [9].

Ижтимоий ҳимоя тизимида кирувчи ва асосларидан бири саналган нафақа ҳам ислом ҳуқуқида алоҳида ўрин олган. Нафақа сўзи луғатда “яхшиликка маблағ чиқариш” маъносини англатади. Шариатда эса, ўз қарамоғидаги шахсни етарли кийим, таом ва маскан билан таъминлашдир [10]. Нафақанинг беришнинг аҳамияти борасида Қуръонда бир неча оятлар келтирилган: Нисо: 34, Нисо: 36, Бақара: 233, Исро: 23, Исро:26 оятларида, суннат ва ижмоъ билан янада таъкидланган.

Меҳнатга лаёқатсиз барча кишилар, беморлар, ёш болалар, ногиронлар, қариялар, аёллар, ишсизлар ва қўлидан келса ва бунга тайёр бўлса ҳам тирикчилик учун пул топа олмайдиغانлар, шунингдек, оиласини боқиш учун етарли маблағи бўлмаганлар жамият бойлигидан ва Аллоҳ ишлаб пул топиш имконини берган кишилардан ўз улушини олиши керак [11].

Қуръони каримнинг қуйидаги оятларида инсонларни бойликларидан эҳсон қилишга буюрилганлиги келтирилади: **“(Эй инсонлар!) Аллоҳга ва унинг пайғамбари (Мухаммад)га имон келтирингиз ҳамда У сизларни халифа қилиб қўйган нарсалардан (бойликларингиздан) эҳсон қилингиз! Бас, сизлардан имон келтирган ва эҳсон қилган зотлар учун катта мукофот бордир”** (Ҳадид сураси 7-оят) [12]. **“...уларга Аллоҳнинг сизларга ато этган молидан берингиз! ...”** (Нур сураси 33-оят) [13].

Камбағал бойнинг мулкидан оладиган улуш унинг Исломдаги ҳуқуқларга хос барча белгиларга эга бўлган ҳуқуқидир. Камбағал бугун дунёда маълум бўлган ижтимоий ҳимоя тизими доирасида олаётган ёрдам эса ушбу ҳуқуқни эслатади, холос. Чунки у ушбу тизим тарғиботчилари таъкидлаганларидек, ана шу ҳуқуқ эга бўлган куч ва мажбуриятга эга эмас [14].

Ислом таълимотида ижтимоий ҳимояга тарғиб этувчи яна бошқа тамойилларда ҳам улар садақалар кўринишида намоён бўлади. Жумладан,

қуйидаги оятларда баён қилинган: **“Улар (ҳозирда ўз зиммаларига олган) назрларини адо қилурлар ва ёмонлиги (даҳшатлари) кенг ёйилувчи кундан кўрқурлар. Таомни эса суюб турсалар-да, (ўзлари емасдан) мискин, етим ва асирларни едирурлар. (Улар айтурлар): “Бизлар сизларни фақат Аллоҳ “юзи” учун таомлантирурмиз. Сизлардан (бу иш учун) бирор мукофот ва миннатдорчилик кутмасмиз. (Инсон сураси, 7-9-оятлар) [15].**

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Исломдаги ижтимоий ҳимоя фақат моддийлик билан чекланиб қолмайди, балки руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ҳам назарда тутаяди. Абу Зарр розияллоху анҳудан ривоят қилинади: **“Расулulloх соллалллоху алайҳи васаллам: “Биродарингнинг юзига табассум билан боқишинг ҳам садақа, яхшиликка буюришинг ҳам садақа, ёмонликдан қайтаришинг ҳам садақа, йўлдан адашган кишини тўғри йўлга солиб юборишинг ҳам садақа, кўзи ожиз кишига ёрдам беришинг ҳам садақа, йўлни юзида ётган тошни, тиканни, суякни четга олиб қўйишинг ҳам садақа, челагингдаги сувдан биродарингни челагига қуйиб беришинг ҳам садақадир”, дедилар” (Имом Термизий ривояти)**

Мусулмон умматида доимо ижтимоий-психологик, ташкилий асос ўз вақтида ишга тушарди – бу оила-уруғ, қўшни-жамоа, уруғ-қабила биродарлиги тизимида вазифалар ва мажбуриятларнинг аниқ тақсимланганлиги ҳамда ўзаро бўйсунитидир. Уларни бузиш нафақат Ислом ҳуқуқшунослиги кўрсатмаларига қарши боришни, балки ҳар бир инсон учун муҳим бўлган биргаликдаги тантаналар ва байрамлар қувончи билан тўлдирилган, қайғули кунларда ҳамдардлик кўрсатиш билан мунавварлашган турмуш мулоқоти муҳитидан айрилиш ва, албатта, ўзаро ёрдам, қўллаб-қувватлаш, етимлар, беваларга нисбатан раҳм-шафқат одатлари билан кафолатланган ижтимоий ҳимоясиз қолишни ҳам билдирарди [16].

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ислом ҳуқуқида ижтимоий ҳимоя масалалари долзарб ҳисобланиб, унинг асослари фикҳнинг бирламчи манбалари ҳисобланган Қуръон, суннат, ижмо ва қиёсда келтирилган. Инсонларнинг ҳуқуқларидан бири сифатида кафолатланган. Демак, ислом 14 аср муқаддам жамиятнинг ижтимоий тенгликни барқарор бўлишини таъминловчи асосларини кўрсатиб берган. Бу эса минг йиллардан буён мусулмон жамиятларида ижтимоий ривожланишни таъминлаган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш нафақат давлат ва нодавлат ташкилотларининг, балки ҳар бир кишининг инсоний бурчи ва вазифасидир. Шунинг учун ҳам бу каби эзгу ва хайрли ишларни амалга оширишда барчамиз бир бўлиб, ҳамкорликда фаолият юритишимиз лозим. Президентимиз томонидан ҳам таъкидланганидек, “Ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий ҳимоя масаласи – бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. “Ижтимоий” деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор”.

Мамлакатимиз ривожланиш йўлида ўз олдига қўйган улкан мақсадларидан бири жамиятимизда ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини турмуш фаровонлигини ошириш кабилар ҳисобланади. Жумладан, ижтимоий ҳимоя масалаларини ҳар жиҳатдан тадқиқ этиш, уларни моҳиятини англаш ва ёш-авлодга етказиш мана шундай пировард режалар амалга оширилиши йўлида хизмат қилади.

REFERENCES

1. Новгородцев П.И. "Право на достойное человеческое существование." СПб., 1911, -С. 3-13.
2. Қ.Абдурахмонов. “Меҳнат иқтисодиёти”. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: 2004. –Б 618.
3. Республика маънавият ва маърифат кенгаши. Республика маънавият тарғибот маркази, Ижтимоий ҳимоя йили: мазмун ва моҳияти, –Т: 2007 –Б 31.
4. П.Ҳошимов, Ш.Абдуллаев, «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг назарий асослари», Иқтисод ва молия, –Т №9, 2012. – Б 22-23.
5. <https://lex.uz/docs/20596>
6. <https://lex.uz/docs/3107036>
7. Б,Ботиров. Ислом ҳуқуқида инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятларига оид Қуръони Каримда келган нормалар таҳлили. Жамият ва инновациялар. Issue-1. №02. 2020. –Б 106.
8. А.Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. – Т: Тошкент ислом университети, 2009. –Б 121.

9. Б.Ботиров. Ислом ҳуқуқида инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятларига оид Қуръони Каримда келган нормалар таҳлили. Жамият ва инновациялар. Issue-1. №02. 2020. –Б 109.
10. Кифоя II китоб. – Т.: Шарқ, 2008. – Б 516.
11. Б.Ботиров. Ислом ҳуқуқида инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятларига оид Қуръони Каримда келган нормалар таҳлили. Жамият ва инновациялар. Issue-1. №02. 2020. –Б 107.
12. А. Мансур “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири” – Т.: “ТИУ” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. –Б 538.
13. А. Мансур “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири” – Т.: “ТИУ”, 2014. –Б 354.
14. Хуссейн Хамид Хасан. Право на социальную защиту. Исламабад, 1995. –С 10.
15. А.Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. – Т: “ТИУ”, 2009. –Б 423.
16. Турсунова С. Д. Никоҳ бахтли оила кафолатидир // Соғлом авлод учун. 1997. №9.